

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СЕЙТНАЗАРОВА ОКСАНА МУРАТБАЕВНА

**УГЛЕВОДОРОД РАДИКАЛИ ТУЗИЛИШИ ВА СФМ ҚАДОҚЛАНИШ
ЗИЧЛИГИГА БОҒЛИҚ СФМ-БЕНТОНИТ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ
СОРБЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor (DSc)

Сейтназарова Оксана Муратбаевна

Углеводород радикали тузилиши ва СФМ қадоқланиш зичлигига боғлиқ
СФМ-бентонит комплексларининг сорбцион хусусиятлари..... 3

Сейтназарова Оксана Муратбаевна

Сорбционные характеристики комплексов ПАВ-бентонит в зависимости от
строения углеводородного радикала и плотности упаковки ПАВ 29

Seitnazarova Oksana Muratbaevna

Sorption characteristics of surfactant-bentonite complexes depending on the
structure of the hydrocarbon radical and the density of the surfactant packaging
..... 55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СЕЙТНАЗАРОВА ОКСАНА МУРАТБАЕВНА

**УГЛЕВОДОРОД РАДИКАЛИ ТУЗИЛИШИ ВА СФМ ҚАДОҚЛАНИШ
ЗИЧЛИГИГА БОҒЛИҚ СФМ-БЕНТОНИТ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ
СОРБЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2023.2.DSc/K164 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетиде бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iopx.uz) ва* «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдиқамалова Азиза Бахтияровна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ойбек Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Бахронов Хаёт Нуорович
кимё фанлари доктори, доцент

Эшметов Расул Жумиязович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02.30.12.2019 К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «I» июль 2024 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopxanuz@mail.ru.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60), факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2024 йил «27» июнь куни тарқатилди.
(2024 йил «27» июндаги № 14-реестр баённомаси)

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ ((DSc) фан доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий, оқова сувларда ва ҳавода ҳар хил ифлослантирувчилар тарқалиши билан боғлиқ вазият инсониятга ва атроф муҳитга салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бунинг натижасида келиб чиқадиган экологик муаммони бартараф этиш ва сув таъминоти тизимларини ҳамда атроф муҳит объектларини яхшилаш борасида янги адсорбцион материалларни яратиш долзарбдир. Шу сабабли, табиий ва синтетик адсорбентларнинг ғовакли структурасини ва хусусиятларини оптималлаштириш, шунингдек уларни олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунда сувли муҳитни органик ифлослантирувчилардан зарарсизлантириш учун маҳаллий хомашёлар бўлган бентонитлар асосида янги адсорбцион материалларни яратиш буйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қатор илмий ечимларни асослашга, жумладан: табиий хом ашё, синтетик реагентларни танлаш, бентонит ва сирт фаол моддалар (СФМ) таъсирлашиш шароитларини ўрганиш, СФМларнинг бентонитларга интеркалirlаниш жараёнларининг оптимал шароитларини аниқлаш, олинган органобентонитлар текстур ва адсорбцион хусусиятларини тадқиқ қилиш ва органобентонит адсорбентларни ишлаб чиқариш технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада янги материаллар, шу жумладан маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида адсорбцион материаллар олиш буйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»¹ йўналиши буйича вазифалар белгилаб берилган. Бу жиҳатдан замонавий юқори самарали адсорбцион реагентларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳимдир. Ушбу тадқиқотлар замонавий саноат талабларига мувофиқ реагентларнинг функционал хусусиятлари, уларни ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда таркиби ўртасидаги боғлиқликни ўрнатишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Монтмориллонит қатламларига турли СФМларни интеркаляция қилиш, монтмориллонит қатламлари юзасига органик модификаторнинг тузилиши ва қадоқлаш зичлигининг таъсирини аниқлаш, уларнинг текстур хусусиятларини, ғовакли тузилишини ва адсорбцион фаоллигини ўрганиш, органофил бентонитларни ишлаб чиқариш усулларини яратиш, органобентонит адсорбентларини саноат ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Zhejiang University (Хитой), Centro de Tecnología de Recursos Minerales y Cerámica (Argentina), Islamic University of Indonesia (Индонезия), School of Chemistry and Chemical Engineering (Хитой), В.Г.Шухов номидаги Белгород технологик университети, Қозон ДАҚХУ, Д.И.Менделеев номидаги Россия КТУ, Россия Фанлар Академияси А.В.Топчиев номидаги нефт-кимё синтези институти (Россия), Беларус Давлат техника университети (Белорус) каби етакчи илмий муассасалар ва олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда.

Органобентонитларнинг адсорбцион хусусиятларига органик модификатор ҳамда монтмориллонит гилининг тузилиши ва табиатининг таъсирини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: монтмориллонит қатламлараро бўшлиқларига СФМларни киритишнинг мақбул усули яратилган бўлиб, бу СФМ занжирларини сезиларли даражада интеркаляциялашга ва эритмада аралаштириш орқали композициялар ишлаб чиқаришга имкон берган (А.В.Топчиев номидаги нефт-кимё синтези институти, Россия), сувли муҳитдан дихлорофенолни адсорбциялаш учун янги ярим қуруқ усул билан органобентонит олинган (Wuhan University of Science and Technology, Хитой), тўқилган нефтни утилизация қилувчи органобентонитни олиш усули ишлаб чиқилган (Қозон Миллий тадқиқот технологиялар университети, Россия), оқава сувлардан олти валентли хромни олиб ташлаш учун хитозан ёрдамида органофил адсорбент ишлаб чиқилган (Selcuk University, Туркия).

Дунёда ғовакли органобентонит материалларни ишлаб чиқариш бўйича қуйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қатламли тизимларга турли модификаторларни киритиш усулларини ишлаб чиқиш; табиий монтмориллонитлар ва синтетик лапонитлардан фойдаланиш; кутбли ва кутбсиз турли ифлослантитувчи моддаларни тозалаш учун

² Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларининг таҳлили: <http://www.antoninisrl.com.>, <http://www.bottero.com.>, <http://www.ocmigroup.com.>, <http://www.sklostroj.cz.>, <http://www.emhartglass.com.>, <http://www.imaca.nl.>, <http://www.fivesgroup.com.>, <http://www.glasmaschinenbau-freital-gmbh.>, <http://www.parkinson-spencer.co.uk.>, <http://www.lattimer.com.>, и др. источники

органобентонит адсорбентларининг янги композицияларини ишлаб чиқиш, органобентонит адсорбенти, ташувчиси, тўлдирувчиси олиш учун модификатор сифатида маҳаллий хом ашё ва техноген чиқиндилардан фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бентонит модификацияси ва органогилларни яратиш жараёнлари бўйича тадқиқотлар соҳасида мақсадли изланишлар дунё миқёсидаги илмий мактаблар намоёндалари Лысенко А.А., Карнаухов А.П., Земнухова, Комаров В.С., Ратько А.И., Клушин В.Н., Никитина Т.В., Ермаков Д.В., Воловичева Н.А., Брызгалова Л.В., Амфлета Ч., Ергожина Е.Е., Акимбаева А.М. Тиньгаевой Е.А., Кузнецова И.О., Andini S., Shawky H., Chang M., Gupta V., Chen H., Garg U., Grimm A., Gurgel L., Malkos E., Dahlan I., Dinu M., Liu A., Vieira M. ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда К.С. Ахмедов бошчилигида модификацияланган қатламли тизимларнинг ғовакли тузилишини ўрганишга қаратилган мактаб ташкил этилган бўлиб, уларнинг вакиллари: Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, Г.У.Рахматкариев, С.З.Мўминов, Б.Н.Ҳамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, С.А.Абдурахимов, И.К.Сатаев, О.К.Бейсенбаев, И.Д.Эшметов, О.К. Эргашев, Ш.А.Кулдашева, Д.С.Салиханова А.Б.Абдикамалова, Д.Ж.Жумаева ва бошқалар унинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Қайд этиш жоизки, СФМлар тузилиши, унинг монтмориллонитнинг қатламлараро юзасидаги миқдори ва монтмориллонитнинг катион алмашинув сифимининг олинаётган органобентонитлар тузилишига таъсирини аниқлаш бўйича ҳозиргача фундаментал тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу сабабли, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар монтмориллонитнинг қатламлараро юзасига СФМларни мақсадли интеркаляциялаш учун услубий асосларни яратиш учун жуда муҳимдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-ОТ-2021-357 «Қорақалпоғистон ҳудудининг табиий ва оқова сувларини тозалаш учун маҳаллий хом ашё (кўмир, бентонит) асосида сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади углеводород радикалининг тузилиши ва СФМлар қадоқлаш зичлигига кўра СФМ-бентонит комплексларининг тузилиши ва сорбция хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Крантау кони бентонит гилининг (БК) катион алмашинув сифимини (КАС) ўзгариш жараёнлари ҳамда уларнинг тузилиши ва адсорбцион хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

КАС кўрсаткичи 104 (БК); 86 (БК86) ва 70 (БК70) мг*экв/100 г бўлган бентонитларда дигексадецилдиметиламмонийбромид (ДГДДМАБ) ва гексадецилтриметиламмонийбромид (ГДТМАБ)ларнинг адсорбция

жараёнларини тадқиқ қилиш;

рентгенфазавий таҳлил ва паст ҳароратли азот адсорбцияси асосида сирт заряди ва СФМларнинг табиатига қараб монтмориллонит таркибидаги структур ўзгаришларни аниқлаш;

органобентонитларнинг бўёқ эритмаларига нисбатан адсорбцион фаоллигига турли СФМларни интеркаляциялаш жараёнларининг таъсирини ўрганиш;

газсимон муҳитда кутбли ва кутбсиз молекулаларга нисбатан органобентонитларнинг адсорбцион хусусиятларини ўрганиш;

олеин кислотаси асосида янги СФМлар синтез қилиш ва улар ёрдамида органобентонит олиш;

октадецилтриметиламмоний бромид (ОДТМАБ) ва диоктадецилдиметиламмоний бромид (ДОДДМАБ) асосидаги органобентонитларнинг адсорбцион фаоллигини ўрганиш;

бўёқ цеҳи оқова сувларини тозалашда ва пестицидлардан зарарсизлантиришда органобентонитлар фаоллигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ДГДМАБ, ГДТМАБ, ОДТМАБ ДОДДМАБ, бентонитлар, органобентонитлар, бўёқ цеҳи оқова сувлари, метил зарғалдоғи, метилен кўки ва ацетохлор эритмаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети СФМни интеркаляциялаш усуллари, эритмалардан бўёқ, СФМ ва пестицидларнинг адсорбциясини, газсимон муҳитдан адсорбатларни, СФМ-монтмориллонит, СФМ-адсорбат ва органобентонит-адсорбат ўзаро таъсир механизмларини ва орғано-ноорғаник тизимларнинг сирт фаоллигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда дисперс тизимларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг замонавий ва анъанавий усуллари: рентген люминесценцияси, термик ва электрон микроскопик, спектрал таҳлиллар ва коллоид кимёвий (адсорбцион, кондуктометрик) усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

термик ишлов бериш ҳарорати ва давомийлигининг ўзгариши Li-бентонитнинг структур хусусиятлари ўзгаришига таъсир этиши, бунда 110, 120 и 135°C ҳароратларда термик ишлов бериш натижасида катионалмашинув сиғимининг дастлабки 108 дан мос равишда 97, 85 ва 65 мг*экв/100 г гача камайиши аниқланган;

гилларнинг катион алмашинув сиғими (КАС)ни ўзгариши уларнинг ғоваклигини ўзгаришига таъсир этиши ва БК; БК86 ҳамда БК70 бентонит намуналарининг қатламлараро масофаси мос равишда 1,261; 1,253 ва 1,199 нм ни ташкил этиб, бу қатламлараро сув ҳажмининг камайиши ва ғовак майдонининг ўзгариши билан боғлиқлиги исботланган;

БКнинг қатламлараро бўшлиғи тўйинганидан сўнг, СФМларнинг кўшимча сорбцияси кузатилиб, бу силикат текисликлари юзасида мицелласимон тузилмаларнинг шаклланиши ёки қатламлараро фазода кўплаб қатламларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши, гилнинг катионалмашинув сиғими 3,85 ва 3,27 маротаба ортиши аниқланган;

ДГДДМАБ ва ГДТМАБнинг КАС қиймати 70 ммоль/100 г бўлган монтмориллонитдаги сорбция механизмлари одатда КАС юқори бўлган монтмориллонитларга ўхшашлиги исботланган, лекин ушбу намунанинг тез тўйиниши кузатилиб, бу интеркаляция учун мўлжалланган қатламлараро бўшлиқларнинг камлиги билан асосланган;

ДГДДМАБ миқдорининг $n=1/4$ дан $n=1/2$ гача ортиши билан БК нинг d_{001} рефлекс интенсивлигининг ўзгариши ҳамда 2,23 нм атрофида янги рефлекс пайдо бўлиши, $n=1 \leq 1,25$ қийматларда янада яққол намоён бўлиши ва БК қатламлари орасидаги ДГДДМАБ нинг псевдомоноқаватли тузилишига мувофиқ келиши аниқланган;

БК учун n нинг тўйинганлик даражаси ДГДДМАБ учун 3,8 ва ГДТМАБ учун 3,27 нм ни ташкил этиши, бу ҳолда интеркаляцияланган СФМлар мос равишда қатламлараро масофани 2,87-2,90 ва 2,35 нм гача ўзгартириши, бу эса ДГДДМАБ нинг псевдомоноқатламли ҳамда ГДТМАБнинг псевдо-уч қатламли интеркаляцияланган тузилишини тасвирлаши аниқланган;

тўйинганлик даражасининг ортиши билан микроғоваклар ҳажми дастлаб ортиши ва қуйи тўйинганлик даражасида максимал даражага етиши, кейинчалик пасая бошлаши, бу ДГДДМАБ алкил занжирларининг киритилиши туфайли микроғовакларнинг ифлосланиши ёки блокланиши билан боғлиқ бўлиши исботланган;

техник олеин кислотасидан унумдорлиги 88% дан юқори янги СФМларни, шунингдек уларга асосланган органобентонитларни синтез қилиш учун мақбул шароитлар яратилган, бу бойитилган бентонитнинг бўёқлар ва ацетохлорга нисбатан сорбция коэффициенти нинг 1,5-1,6 баравар ортишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монтмориллонитларнинг КАС ни ўзгартириш жараёнларининг услубий асослари ишлаб чиқилган;

метилоранж эритмаси ёрдамида монтмориллонитларга интеркаляцияланган СФМлар миқдорини аниқлашнинг услубий асослари яратилган;

монтмориллонитнинг қатламлараро бўшлиғига турли СФМларни интеркаляция қилиш учун мақбул шароитлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва коллоид кимёвий усуллар ёрдамида олиб борилган, лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовлари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида ўтказилган ва синов далолатномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти монтмориллонитларнинг КАСни ўзгартириш жараёнлари методологиясини ишлаб чиқиш, монтмориллонитларга интеркаляцияланган СФМлар миқдорини аниқлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш, монтмориллонитнинг қатламлараро бўшлиғига турли СФМларни интеркаляциялаш учун мақбул шароитларни

яратиш билан асосланган бўлиб, турли мақсадлар учун органобентонитларни яратиш жараёнини мақсадли ўтказиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил муҳитларни тозалаш, оқова ва табиий сувларни органик ва ноорганик ифлослантирувчилардан зарарсизлантириш учун адсорбентлар олиш ва турлича ғовакли материалларни тайёрлаш учун органобентонитларни олиш технологиясини ишлаб чиқишда ҳамда кимё ва кимёвий технология соҳасидаги таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлаш жараёнига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Крантау бентонити ва органик модификаторлар асосида органобентонитлар ишлаб чиқариш бўйича илмий натижалар бўйича:

эритмаларда СФМларни индикатор сифатида метилоранж ёрдамида аниқлаш усули Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг «2025-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2023 йил 17 апрелдаги 01/18-8-1007 сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувлардаги сирт фаол моддаларнинг қолдиқ таркибини оғирлиги бўйича 0,001% гача аниқлаш имконини беради;

дигексадцетилдиметиламмоний бромид, гексадецилтриметиламмоний бромид ва бентонит асосидаги адсорбентлар «SOF MEGA TEKSTIL» МЧЖнинг «2025-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2023 йил 17 апрелдаги 01/18-8-1007 сон маълумотномаси). Натижада, ушбу адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни дастлабки ранг интенсивлиги 1:1000 бўлган ҳолатда 98,3 ва 89,0% ни тозалаш имконини беради;

октадецилтриметиламмоний бромид ва бойитилган Крантау бентонити асосидаги адсорбентлар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг «2025-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 23 февралдаги 03/08-3-64 сон маълумотномаси). Натижада, тупроқ ва оқова сув тизимларида ацетохлор сорбцияси даражаси табиий бентонитларга нисбатан 1,5-1,6 баравар ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 7 та халқаро ва 13 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари юзасидан 35 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шундан 4 та республика ва 7 та халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 174 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, саноат тажриба-синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Органобентонитларни яратиш масаласининг ҳозирги ҳолати. СФМ-монтмориллонит тизимининг ғовакли тузилиши ва функционал хусусиятларига қатламли материал таркиби ва СФМлар тузилишининг таъсири»** деб номланган биринчи бобида СФМ-бентонит тизимларининг тузилиши ва адсорбцион хусусиятларига турли омилларнинг таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолатига бағишланган илмий-техник адабиётларда ва патент нашрларида чоп этилган ишларнинг танқидий таҳлили ва улардан турли соҳаларда фойдаланиш истиқболлари муҳокама қилинган.

Адабиётларни таҳлили маҳаллий бентонит гилларининг юқори ғовакли ва адсорбцион хусусиятлари билан ажралиб турадиган органобентонитларни яратиш учун истиқболли материаллар бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишда белгиланган мақсад ва вазифаларни шакллантиришга имкон берган.

Диссертациянинг **«Органобентонитларни яратиш учун бентонитларни модификациялаш учун танланган объектлар ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида Каратау конидан бентонитнинг таркиби ва тузилиши батафсил таҳлил қилинган.

Бентонитнинг минералогик таркиби ва унинг модификацияланган шакллари рентген дифракцияси ($\text{CuK}\alpha$ нурланиши билан Shimadzu компаниясининг XRD-6100 дифрактометри), термогравиметрия (Paulik-Paulik-Erdey дериватографи) ва сканерловчи электрон микроскоп (EVO MA10 SEM Carl Zeiss сканерловчи электрон микроскопи) ёрдамида комплекс таҳлил қилинган бўлиб, булар модификациялаш жараёнида модданинг хусусиятлари ўзгаришини аниқлаш имкониятини берди.

Адсорбентларни яратиш учун бентонитни бойитиш жараёнларида қуйидаги усуллар қўлланилган: механик ажратиш ва тиндириш; сода эритмаси билан ишлов бериш. Ушбу усул минимал миқдордаги кумсимон қўшимчаларни сақлаган монтмориллонит билан бойитилган бентонитни олиш имконини беради. Рентген фазавий таҳлил натижаларига кўра бойитиш натижасида монтмориллонит, клиноптилолит ва иллит миқдорининг ортиши гил бўлмаган минераллар, асосан паст ҳароратли тригонал кварц миқдорининг камайиши ҳисобига кузатилган.

1-жадвалда рентген фазавий таҳлил натижалари асосидаги намуналарнинг минералогик таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

Намуналарнинг минералогик таркиби, %

Намуна	ММ	кварц	каолин	иллит	хлоридлар	қўшим.
даст.	44,5	10,1	9,8	23,5	2,3	9,8
бойит.	91,8	0,2	0,9	6,1	0,1	0,9

Гиллар минералогик таркибининг таҳлили бойитишдан кейинги сезиларли ўзгаришларни намойиш этди. Бойитилган намунада Монтмориллонитнинг миқдори 44,5 дан 91,8% гача сезиларли даражада ортган, бу эса бойитиш жараёнининг самарадорлигини кўрсатади. Кварц миқдори дастлабки намунадаги 10,1% дан бойитилган намунада 0,2% гача кескин камаяди. Бу гилнинг адсорбцион хусусиятларига ҳисса қўшмайдиган ушбу минералдан муваффақиятли тозаланганини кўрсатади.

Каолин миқдори камроқ даражада бўлса ҳам, 9,8% дан 0,9% гача камайган. Шунингдек, иллитнинг ҳам улуши камайиб (23,5 дан 6,1% гача), бу бентонит адсорбцион сифатларининг ортишига ҳисса қўшиши мумкин.

Умумий ҳолда, бойитиш монтмориллонит улушини ошириш ва аралашмалар ҳамда бошқа минераллар миқдори камайтириш орқали бентонит сифатининг сезиларли яхшиланишига олиб келади. Минералогик таркибнинг ўзгариши ўрганилаётган намуналарнинг дисперслигига таъсир қилади, уларнинг бойитилган шаклларида дисперсликнинг бир неча мартага ортгани кузатилади.

Гилларнинг катион алмашинуви хусусиятларини ўзлаштириш маълум саноат қўлланмалари учун яхшиланган ёки ихтисослашган функционал хусусиятларга эга органобентонитларнинг янги турларини ишлаб чиқишга имкон беради.

2-жадвал.

Бойитилган БК намунасининг катион алмашинув комплекси таркиби (мг*эқв/100 г)


Na ⁺	K ⁺	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Σ _{катион}
88,6	11,8	3,1	0,5	104,0

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, натрий катионлари катион алмашинув сифимининг (КАС) энг катта улушини (88,6 мг*эқв/100 г) ташкил қилади, бу бентонитнинг натрий ионлари билан юқори тўйинганлигини кўрсатади. Калций ва магний оз миқдорда (мос равишда 3,1 ва 0,5 мг*эқв/100 г) мавжуд бўлиб, уларнинг концентрациясини камайтириш бойитиш жараёнининг самарадорлигини оширади.

Бентонитнинг катион алмашинув сифими материалнинг СФМлар каби органик модификаторлар билан алмашиш қобилиятига бевосита таъсир қилади. КАСни тадқиқ қилиш ва ўзгартириш ҳосил қилинадиган комплексларнинг сорбция хусусиятларини оптималлаштиришда, яъни зарур хусусиятларга эришиш йўлида жуда муҳимдир.

Тадқиқот давомида бойитилган бентонит гили (БК) литий хлорид (LiCl) ёрдамида литий ионлари (Li⁺) билан тўйинтирилган. Бентонитнинг катион алмашинув сифимини ўзгартириш учун бентонит 104-БК намунасига бир соатдан 24 соатгача термик таъсир кўрсатилди. Илмий манбалардан маълумки,

зарур КАСга эришиш учун дастлабки бентонитнинг структуравий хусусиятларини ҳисобга олиш ва тегишли ҳарорат ҳамда ишлов бериш вақтини танлаш керак.




**1-расм. Турли ҳароратларда иссиқлик билан ишлов бериш давомийлигининг БК намунасининг КАСга таъсири:
1) 120°C; 2) 135°C.**

Хофман-Клемен эффектига кўра, бентонит маълум бир ҳароратгача қиздирилганда, кичик литий ионлари унинг тузилишига ўтиб, бошқа катионлар билан алмашилиш имкониятини чеклайди. Ушбу жараён натижасида литий билан ишланган бентонитнинг катион алмашинув сиғими (КАС) камаяди. Алмашинган литий ионларининг ҳажми, шунингдек КАСнинг тегишли пасайиши ишлов бериш ҳароратига мутаносибдир. Ушбу усул бентонитнинг СФУ ни бошқариш имконини беради.

1-расмда бентонитнинг катион алмашинув сиғимига (КАС) иссиқлик билан ишлов бериш вақтининг таъсири кўрсатилган. 1-эгри 120°C, 2-эгри эса 135°C да ишлов беришга тааллуқли. Иккала чизма ҳам иссиқлик билан ишлов бериш давомийлигининг ортиши билан КАСнинг камайишини кўрсатади. КАС нинг камайиши юқори ҳароратда (135) ишлов берилган намуна учун аҳамиятлироқ бўлиб, бу бентонитнинг катион алмашинув хусусиятларига ҳароратнинг янада кучли таъсир этишини кўрсатади. Ушбу натижалар бентонитнинг хусусиятларини саноат ва бошқа амалий қўлланмаларда тартибга солиш учун ишлатилиши мумкин.

Юқори ишлов бериш ҳарорати КАСнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади, бу монтмориллонитни модикация қилиш жараёнида ҳарорат шароитларининг аҳамиятини таъкидлайди. Олинган бентонит намуналари 84 ва 70 мг*экв/100 г катион алмашилиш сиғимига эга бўлиб, кейинчалик органик СФМлар билан модификациялаш учун ишлатилган.

2-расмда танланган бентонит намуналарининг диффрактограммалари келтирилган. Рентгенограмма таҳлили шуни кўрсатадики, намуналарнинг катион алмашилиш қобилиятидаги фарқлар қатламлараро масофанинг ўзгаришига олиб келади. БК ва БК86 намуналари учун d_{001} нинг асосий чўққиси мос равишда 1,261 нм ва 1,253 нмда жойлашган. БК70 намунасида юқорироқ 2 θ бурчакка силжиш кузатилиб, бу тахминан 1,199 нм кичикроқ қатламлараро масофага тўғри келади. Гидрофил катионлар концентрациясининг камайиши қатламлараро сув миқдорининг камайишига олиб келади, бу эса қатламлараро масофанинг кичрайишига олиб келади деб тахмин қилинади. Бу монтмориллонит билан боғланган сувнинг бир қисмини йўқотилишини ва ғовак бўшлиғининг ўзгаришини кўрсатиши мумкин, бу эса ўз навбатида сиртнинг кислоталилигига таъсир қилади.



2-расм. Намуналарнинг рентгенограммалари: 1) БК; 2) БК86; 3) БК70.

Ушбу тадқиқотда бентонит намуналарининг ғовакли тузилишининг хусусиятларини аниқлаш учун статик адсорбция қурилмаси Quantachrome Nova 1000e да 77К паст ҳароратли азот адсорбцияси усули қўлланилган. 3-жадвалда олинган изотермалар асосида ғовакли структуранинг параметрлари келтирилган.

3-жадвал.

Азот адсорбцияси ва десорбцияси асосида олинган намуналарнинг текстура хусусиятлари

	S^I , м ² /Г	S^2 , м ² /Г	t -Plot*, м ² /Г	V_a , см ³ /Г	V_b , см ³ /Г	R , Å	D , Å	D^* , Å
БК	53,13	52,19	0,941	0,039	0,087	44,6	14,23	4,39
БК86	57,07	56,03	1,031	0,040	0,093	44,1	14,33	4,40
БК70	48,01	47,17	0,894	0,033	0,079	44,7	14,37	4,41

¹–БЭТ бўйича солиштирма сирт юзаси; ²–мезоғовакларнинг солиштирма сирт юзаси, м²/г; * - ташқи юза; - ўртача ғоваклар кенлиги; * - микроғовакларнинг ўртача ўлчами; R – ғовакларнинг ўртача ўлчами.

БК86 намунаси БЭТ усули ва мезоғовакларнинг ҳажми бўйича энг катта солиштирма сирт юзага эга, бу БК ва БК70 билан таққослаганда янада ривожланган ғовакли тузилмани кўрсатиши мумкин. БК86 намунасини бойитилган БК билан солиштирганда катион алмашинуви сиғимининг (КАС) кузатилаётган камайиши унинг азот адсорбцияси маълумотларига асосланган юқори текстур хусусиятларини намойиш этишига тўсқинлик қилмайди. Бу БК86 қатлам оралиғидаги ион миқдорининг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлиб, ўз навбатида физик азот адсорбцияси жараёнларида самарали иштирок этадиган янада ривожланган микроғовакли тузилманинг шаклланишига ёрдам беради.


БК70 энг кичик солиштирма сирт ва ташқи юзани намойиш этиб, бу паст ғоваклилик кўрсаткичи билан боғлиқ. Ғоваклар ва микроғовакларнинг ўртача ҳажми барча намуналарда ўхшаш бўлиб, бу уларнинг микроструктуравий хусусиятларининг ўхшашлигини кўрсатади. БК ва БК86 билан таққослаганда БК70 намунаси учун азот адсорбциясининг текстур хусусиятларининг пасайиши ғоваклиликнинг пастлигини ва натижада адсорбция учун кичикрок солиштирма сирт юзани кўрсатади. Бу БК70 структурасида озроқ ионлар ва камроқ микроғоваклар туфайли қатламлараро бўшлиқнинг зичроқ қадоқланиши билан боғлиқ, унинг азотни ушлаб туриш қобилиятини пасайтиради.

«Монтмориллонит-СФМ тизимининг структуравий хусусиятлари: СФМларни қадоқланиш зичлигининг таъсири ва монтмориллонит юзасининг табиати» деб номланган учинчи бобда тадқиқот монтмориллонит-СФМ тизимининг таркибий хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Модификация жараёни учун асос сифатида катион алмашинуви сифимининг (КАС) турли қийматларига эга монтмориллонит намуналари ишлатилган. Ушбу намуналарни СФМлар ёрдамида модификацияга тайёрлаш учун 5 грамм монтмориллонит ва 300 мл сувдан иборат суспензиялар тайёрланди.


Сирт фаол моддаларнинг эритмалари олдиндан белгиланган миқдордаги СФМларни 100 мл сувда $70 \pm 1^\circ\text{C}$ ҳароратда эритиб, бир соат давомида доимий аралаштириш йўли билан тайёрланди. СФМлар концентрацияси БК учун 0,416 дан 5,2 ммол/г гача, БК86 учун 0,344 дан 4,3 ммол/г гача, ва БК70 учун 0,28 учун 3,5 ммол/г гача, бентонитларнинг катион алмашилиш сифимидан 2,5 баравар кам ва 5 баравар юқори диапазонлар қамраб олинди. Ушбу эритмалар гил суспензияларига қўшилиб, кейинчалик 70°C да 4 соат давомида сақланди. Қаттиқ фаза центрифугалаш йўли билан ажратилиб, дистилланган сув билан ювилди ва 80°C да қуритилди. Намуналар майдаланиб, 154 микронли элакдан ўтказилди. Sigma-Aldrich компанияси томонидан ишлаб чиқарилган дигексадецилдиметиламмоний бромид (ДГДДМАБ) ва гексадецилтриметиламмоний бромид (ГДТМАБ) ёрдамида органобентонитлар олинди. Эритмалардаги СФМлар концентрацияси СФМ-метилоранж (МО) комплексининг ютилиш интенсивлигига асосланган калибрлаш графиги асосида алкиламмонийли СФМларнинг МО билан ўзаро таъсирдан фойдаланган ҳолда УБ ва кўринадиган нурда оптик зичлик таҳлили билан аниқланди. СФМ-МО комплексининг ютилиш интенсивлиги СФМлар концентрацияси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, тизимдаги СФМлар таркибини аниқ аниқлаш учун калибрлаш графикларини яратишга имкон беради.

МО сирт фаол моддалар билан ўзаро таъсирлашганда, молекулалар орасидаги электростатик ва гидрофоб ўзаро таъсир туфайли бўёқнинг ютилиш соҳаси силжийди. Сувли тизимда метилоранж (МО) билан $(\text{C}_n\text{H}_{2n+1})_2(\text{CH}_3)_2\text{N}+\text{Br}$ ($n = 14-16$) бирикмасининг молекулаларини ўрганиш жараёнида ҳосил бўлган комплекснинг ютилиш спектри 370-390 нм оралиғида намоён бўлиши аниқланиб, бу тадқиқот натижалари билан тасдиқланди. СФМга боғланган МО концентрациясининг 50 мартадан зиёд камайиши адсорбцион спектрнинг 20 нм га қисқа тўлқинлар томон силжишига олиб келади.


3-расмда БК, БК86 ва БК70 га интеркаляцияланган ДГДДМАБ ва ГДТМАБ нинг СФМнинг бошланғич концентрациясига боғлиқлик эгрилари тасвирланган. Кўришиб турибдики, ушбу эгрилар бир-биридан фарқ қилади. Агар БК ва БК86 намуналари учта асосий қисмга бўлинган эгрилар билан тавсифланса, БК70 учун эгрилар максимал даражага етишини кўриш мумкин, ва сўнгида иккала СФМлар учун концентрациянинг янада ортиши билан барқарорлашади.



A



B



C

3-расм. БК (А), БК86 (В), БК70 (С)
намуналарида ДГДМАБ (1) ва
ГДТМАБ (2) нинг сорбция изотермлари.

3-расмдан кўриниб турибдики, монтмориллонитнинг дастлабки тезкор тўйинганлиги иккала СФМлар учун ҳам кузатилади, бу ДГДМАБ катионларининг гил қатлами оралиғига юқори мойиллигини кўрсатади. Ушбу концентрация оралиғида (0 дан 0,2 ммол/л гача) асосий сорбция механизми ион алмашинувиға яқиндир. Монтмориллонитда СФМларнинг сорбцияси 0,2 дан 0,65 ммол/л гача бўлган қолдиқ концентрацияда секинлашади ва амалда барқарорлашади, бу қатламлараро бўшлиқнинг СФМ катионлари билан тўйинганлигини кўрсатади.

Эритмадаги СФМлар концентрациясининг 0,65 ммол/л ва ундан юқори қийматларга ортиши билан монтмориллонитнинг қўшимча тўйинганлиги содир бўлади, бу айниқса ДГДМАБ учун сезиларлидир. ДГДМАБ нинг кейинги эквивалентдан ортиқ сорбцияси қатламлараро бўшлиқда эмас, балки гил текисликларининг ташқи юзасида кўп қатламли структуранинг шаклланиши билан боғлиқ.

ДГДМАБ учун қатламлараро бўшлиқнинг тўйиниши тахминан 2,45 ммол/г концентрациясида (СФМларнинг эритмадаги қолдиқ концентрацияси 0,63 ммол/л бўлганда) эришилади. Ушбу қиймат гилнинг катион алмашинув сиғимидан (1,04 ммол/г) 2,36 барабар юқоридир. Ҳолбуки, ГДТМАБ учун бу кўрсаткичга тахминан 1,55 ммол/г адсорбцияланиш миқдорида (эритмада 0,83 ммол/л қолдиқ концентрацияси билан) эришилади, бу гилнинг КАСидан 1,49 барабар юқори.

Қатламлараро бўшлиқ тўйинганидан сўнг, СФМларнинг қўшимча сорбцияси кузатилади, бу силикат пластиналари юзасида мицеллага ўхшаш тузилмаларнинг шаклланиши ёки қатламлараро бўшлиқда кўп қатламларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Ушбу механизм бошқа катионли СФМлар учун ҳам кузатилган, бу ҳар хил турдаги СФМлар учун ушбу жараённинг

умумлаштирилган хусусиятини тасдиқлайди. Ушбу гил намунасида адсорбцияланган ДГДМАБ ва ГДТМАБ нинг умумий миқдори 4,0 ва 3,4 ммол/г ни ташкил қилиб, бу гил КАСидан 3,85 ва 3,27 баравар юқоридир.

Юқоридаги ҳолатда бўлгани каби, иккала СФМлар учун ҳам БК86 нинг тезкор дастлабки тўйиниши кузатилади. КАС қиймати 86 ммол/100 г бўлган монтмориллонит учун ДГДМАБнинг дастлабки ютилиши ГДТМАБГА нисбатан юқоридир. Бу ДГДМАБнинг ушбу монтмориллонит учун юқори мойиллигини кўрсатиши мумкин.

Ҳар икки ҳолда ҳам яққол тўйиниш соҳаси мавжуд, аммо ДГДМАБ учун эритмада 0,4 мол/л га яқин концентрацияда эришилади, ГДТМАБ учун эса тахминан 0,3 мол/л дан бошланади. Ушбу фарқлар СФМларнинг турли хил тузилиши ва кимёвий хусусиятларига боғлиқ. Бироқ, қатламлараро бўшлиқ тўйинганидан сўнг, иккала СФМлар учун ҳам қўшимча сорбцияланиш давом этади. Шунга қарамай, бу монтмориллонит юзасида мицеллалар ёки қатламлараро бўшлиқда кўп қатламларнинг шаклланиши билан боғлиқ.

КАС қиймати 86 ммол/100 г бўлган монтмориллонит учун ДГДМАБ билан тўйиниш соҳаси КАС қиймати 104 ммол/100 г бўлган монтмориллонит билан таққослаганда эритмадаги СФМларнинг бироз юқори концентрациясида (БК учун 0,62 га қарши 0,70 ммол/л) содир бўлади. Бу КАС қиймати кичикроқ бўлган монтмориллонит ДГДМАБ асосида интеркаляциялаш учун камроқ мавжуд соҳалар сақлашини кўрсатади. Бироқ, ГДТМАБ учун фарқ унчалик сезиларли бўлмай ($C_2=0,83$), ушбу СФМнинг сорбция механизми монтмориллонитнинг КАС қийматига нисбатан камроқ сезгирлигини намоён этади.


Мазкур гил намунасида адсорбцияланган ДГДМАБ ва ГДТМАБ нинг умумий миқдори мос равишда 2,96 ва 2,5 ммол/г ни ташкил этади ва бу гилнинг КАС қийматидан мос равишда 3,44 ва 2,91 баробар ортиқдир.

БК70 намунаси учун ҳар икки СФМлар дастлабки адсорбцияси тез содир бўлади ва 0,2 мол/л концентрацияда монтмориллонитда СФМларнинг ютилиши сезиларли даражада ортади. Аввал таъкидлаб ўтилганидек, ушбу намунадаги СФМларнинг адсорбцияси икки босқичда давом этади. СФМларнинг 1 ммол/л қолдиқ концентрациясида адсорбцияланган ДГДМАБ миқдори 2,21 ммол/г га етади, бу монтмориллонитнинг КАС қийматидан тахминан 3,16 баробар кўпдир. ГДТМАБ учун эритмадаги бундай қолдиқ концентрацияда ютилган миқдор 2,01 ммол/г га етади ва монтмориллонитнинг КАС қийматидан тахминан 2,87 баробар кўпдир.

КАС қиймати 70 ммол/100 г бўлган монтмориллонитда ДГДМАБ ва ГДТМАБнинг сорбция механизмлари одатда КАС кўрсаткичи юқори бўлган монтмориллонитларга ўхшайди. Бироқ, 70 ммол/100 г КАСга эга монтмориллонит тезкор тўйинишни кўрсатади, бу интеркаляция учун камроқ етарли қатламлараро соҳалар туфайли бўлиши мумкин. Ушбу монтмориллонит учун СФМларнинг мойиллигида ҳам озгина фарқ бор, бунда ДГДМАБ ГДТМАБ билан таққослаганда жуда юқори сорбцияни кўрсатади.

Бентонитлардаги СФМларнинг сорбция зичлигидаги фарқ уларнинг адсорбцияси ва заряд хусусиятларига боғлиқ. Заряди камайган бентонитларда


зарядланган жойлар орасидаги катта масофа СФМларнинг кичик концентрациясида ион алмашинувиға ёрдам беради ва СФМлар зичлигини камайишиға олиб келади. СФМларнинг юқори концентрациясида гидрофоб ўзаро таъсирлашув ҳисобига СФМлар орасидаги бўшлиқни камайтиради ва СФМларнинг зарядсиз жойларга тарқалишини ёрдам беради, бу эса турли зарядли бентонитларда қадоқлаш зичлигининг бир хил бўлишиға олиб келади. БК, БК86 ва БК70 учун КАС устидан ДГДМАБ миқдорининг тажриба асосида ўрнатилган коэффициентлари мос равишда 3,85; 3,44 ва 3,21 ни ташкил қилиб, адсорбциядаги фарқларни кўрсатади. ГДТМАБ адсорбцияси БК 70 учун юқори бўлди. ДГДМАБ адсорбциясидан кейинги БК нинг рентген фазавий таҳлили аралаш гил тузилишини ифодалайдиган турли масофадаги қатламларга эга кристалитлар мавжудлигини кўрсатди.



4-расм. Органомодификацияланган БК намуналарининг рентгенограммалари.

ДГДМАБ миқдорининг $n=1/4$ дан $n=1/2$ гача ортиши билан икки рефлекс орасидаги интенсивлик тақсмотида ўзгариш кузатилди. Гилнинг модификатор билан $n=1/2$ ва юқори тўйинганлик даражасида янги рефлекс ажралиб, тахминан 2,23 нм масофага эга бўлган кўшимча чўққини ҳосил қилади ва $n=1 \leq 1,25$ да яққол кўринади. Бундай тўлиш билан ($n=1/4$ дан $n=1/2$ гача) БК қатламлари орасидаги ДГДМАБ нинг псевдо-моноқаватли тузилишини тахмин қилиш мумкин. n ни 3,8 гача ошириш ушбу чўққини 2,87-2,90 нм қатламлараро масофага тўғри келадиган кичикроқ рефлекс

бурчакларига силжитади. Бундай ҳолда, интеркаляцияланган СФМнинг псевдо-икки қатламли тузилишини тахмин қилиш мумкин. Шунга қарамай, қатламлараро масофанинг кўрсатилган қийматлари БКни диоктадецилдиметиламмоний бромид билан модификациялашдан аввал олинган натижалардан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу, эҳтимол, биринчи навбатда, ММ хусусиятларига ва шундан кейингина СФМларнинг хусусиятларига боғлиқ, чунки солиштирилган СФМлар табиати ва ўлчами жиҳатидан бир оз фарқ қилади. ГДТМАБ иштирокида модификацияланган монтмориллонит (БК) рентгенограммалари таҳлил асосида ГДТМАБ нинг $n = 0,25$ микдорида ютилиши билан 1,51-1,58 нм гача бўлган қатламлараро масофага эга ноёб рефлекс ҳосил бўлиши аниқланди. Ушбу ҳодиса ДГДМАБ ёрдамида олинган маълумотларга зиддир. Ушбу фарқ ГДТМАБ молекулаларининг ўлчамидаги фарқлар туфайли юзага келади деб ҳисоблаш мумкин.




5-расм. Органомодификацияланган БК86 намуналарининг рентгенограммалари.


БК нинг ГДТМАБ билан ўзаро таъсири қатламлараро бўшлиқни оширади: $n=0,5-0,6$ да 1,84-1,85 нм гача ва $n = 3,27$ да 2,21-2,34 нм гача. Рентгенограммалар шуни кўрсатадики, ГДТМАБ концентрациясининг ортиши билан БК86 ва БК70 учун қатламлараро масофа катталашади, БК70 учун ўзгаришлар кам бўлиб, ГДТМАБ нинг кичик тартибланган моноқатламни шаклланишини кўрсатади. $n=1$ ва максимал тўлдирилишида (БК86 учун тахминан $n=2,91$ ва БК70 учун $n = 3,00$), қатламлараро майдони кенгайиб, гил пластиналарига параллел равишда ГДТМАБ алифатик занжирларининг учта қатлами билан тузилгани ҳосил қилади. ГДТМАБ адсорбциясининг БК86 га нисбатан БК70 да юқори бўлишига қарамай, ГДТМАБ БК70 га ютилган СФМларнинг умумий ҳажмига нисбатан оз фоизни ташкил этиб, бу БК70 учун қатламлараро масофанинг кичик қийматларига мос келади.

«Органобентонитларнинг тузилишига боғлиқ адсорбцион хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобда органобентонитларнинг тузилишига қараб адсорбцион хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқот органобентонитларнинг тузилиш хусусиятлари ва уларнинг турли моддаларни адсорбциялаш қобилияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга қаратилган.

Монтмориллонит намуналари солиштирма сирт юзасининг n қийматига боғлиқлик эгрлари 6-расмда келтирилган. БК-ДГДМАБ тизимида n қийматининг 0,25 га ортиши билан солиштирма сирт юзаси 53 дан 68 m^2/g гача ортади, лекин кейин $n=3,85$ да 24 m^2/g гача камайишни бошлайди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар БК-ГДТМАБ тизимида ҳам кузатилади.



6-расм. Солиштирма сирт юзанинг n қийматига боғлиқлиги: А) ДГДМАБ; В) ГДТМАБ.



7-расм. Бентонитларнинг тўйинганлик даражасига (ДГДМАБ) кўра микроғоваклар ҳажмининг ўзгариши.

8-расм. Бентонитларнинг тўйинганлик даражасига (ГДТМАБ) кўра микроғоваклар ҳажмининг ўзгариши.

БК86 тизимлари учун $n=0,25$ микдорда ДГДМАБ нинг киритилиши билан солиштирма сирт юза дастлабки БК (57 m^2/g) билан таққослаганда 65 m^2/g га ортади. $n=3,44$ концентрацияда у 20 m^2/g га етади, ГДТМАБ билан тўйинишида эса бу кўрсаткич 26 m^2/g ($n = 2.91$) қийматга эга.

БК70-ДГДМАБ тизими учун солиштирма сирт юзасининг ўсиши $n=0,25$ да 48 m^2/g дан 49 m^2/g гача деярли ўзгаришсиз, кейинчалик $n=3,21$ да 19 m^2/g гача камаяди. ГДТМАБ ҳолатида $n = 0,25$ да солиштирма сирт юзаси 48 дан 53 m^2/g га ортади ва кейинчалик максимал ($n=3$) тўйинганликда 21 m^2/g гача камаяди.

БК намунаси учун микроғовакларнинг ҳажми 0,039 cm^3/g ни ташкил қилади. Тўйиниш даражасининг 0,25 гача ортиши билан V_a ҳажми 0,050 cm^3/g гача ўзгариб, бу микроғоваклар ҳажмининг ортишини кўрсатади. Кейинчалик 0,5; 0,75 ва 1 тўйинганлик даражасида микроғоваклар ҳажми мос равишда 0,044; 0,039 ва 0,031 cm^3/g гача камаяди. $n=3,85$ кўрсаткичда ДГДМАБ билан тўйинганликда V_a minimal қиймати 0,028 cm^3/g га етади, бу тўйинганлик даражасининг ортиши билан микроғовакларнинг сезиларли камайишини кўрсатади.

Бентонит БК86 учун $n=0,25$ да микроғоваклар ҳажми $0,046 \text{ см}^3/\text{г}$ гача ортади. $0,5$ ва $0,75$ га навбатдаги ўсиш билан микроғоваклар ҳажми мос равишда $0,044$ ва $0,041 \text{ см}^3/\text{г}$ гача камаяди. Тўйиниш билан ($n=3,49$) V_a $0,030 \text{ см}^3/\text{г}$ гача тушади. БК70 бентонити учун микроғовакларнинг дастлабки ҳажми $0,033 \text{ см}^3/\text{г}$ ни ташкил қилади. Тўйинганликда ($n=3,21$) микроғоваклар ҳажми минимал $0,013 \text{ см}^3/\text{г}$ га етади, бу учала намуна орасида микроғоваклар ҳажмининг энг кўп камайиши ҳисобланади.


БК бентонитини ГДТМАБ билан $n=0,25$ миқдорда модификацияланганда микроғоваклар ҳажми $0,049 \text{ см}^3/\text{г}$ гача ортади. $0,5$ тўйиниш даражасида микроғоваклар ҳажми кўшимча равишда $0,051 \text{ см}^3/\text{г}$ гача катталашади. Шундан сўнг, $0,75$ ва 1 тўйинганлик даражасида микроғоваклар ҳажми камайишни бошлайди ва мос равишда $0,043$ ва $0,035 \text{ см}^3/\text{г}$ га етади. Тўлик тўйинганликда $n=3,26$, микроғоваклар ҳажми $0,031 \text{ см}^3/\text{г}$ гача камаяди.

БК86 бентонити учун микроғовакларнинг дастлабки ҳажми ҳам $0,040 \text{ м}^3/\text{г}$ ни ташкил қилади. Тўйиниш даражасининг $0,25$ гача ортиши билан микроғоваклар ҳажми $0,050 \text{ см}^3/\text{г}$ га етади. $n=2,91$ юқори тўйинганлик даражасида V_a $0,025 \text{ см}^3/\text{г}$ гача камаяди. БК70 бентонити учун максимал тўйиниш даражаси $n=3$ да микроғоваклар ҳажми минимуми $0,014 \text{ см}^3/\text{г}$ га етади.


Сўнг метилен кўки (МК) нинг сувли эритмасига нисбатан турли органобентонит намуналарининг адсорбцион фаоллиги ўрганилди. Монтмориллонитларнинг адсорбцион хусусиятларидаги фарқлар уларнинг тузилиш хусусиятлари, хусусан, алмашинадиган катионлар сони билан боғлиқ. Монтмориллонитнинг КАС қиймати қанчалик катта бўлса, адсорбцияланган бўёқ миқдори ҳамда тезлиги шунчалик катта бўлади ва бу аввалдан маълум бўлган маълумотларга мувофиқ келади. Агар адсорбция фақат ион алмашинуви туфайли давом этади деб тахмин қилинса, БК, БК86 ва БК70 алмашинув катионларини алмашиниш даражасининг ҳисобланган қийматлари мос равишда $18,75$, $15,49$ ва $10,27\%$ ни ташкил қилади.

Монтмориллонитларнинг иккала СФМлар билан модификацияси МК учун мойилликнинг ўзгаришига олиб келди (9 ва 10 расмлар). Маълум бўлишича, барча модификацияланган намуналар учун эритмадан МКни тозалаш даражаси мос келувчи модификацияланмаган намуналарига нисбатан юқори бўлиб, бу ноорганик матрицанинг органофиллиги ортганлигини исботлайди. Эҳтимол, бу ҳолда катионли бўёқнинг адсорбцияси ион алмашинуви туфайли эмас, балки эритмадаги заррачаларнинг монтмориллонит қатламларига киритилган СФМларнинг гидрофоб қисми билан ўзаро таъсирлашиши туфайли давом этади.

Монтмориллонитни (ММ) дигексадецилдиметиламмоний бромид (ДГДДМАБ) билан модификацияси метилен кўки (МК) адсорбциясининг сезиларли ўзгаришига олиб келди. Ушбу ҳолда, МК адсорбцияси, асосан, монтмориллонитларда адсорбциянинг анъанавий механизмларига мос келадиган ион алмашинуви туфайли содир бўлади.



9-расм. n нинг (ДГДМАБ) тўйинганлик даражасига кўра эритмадаги МК концентрациясини камайиш кинетикаси.



10-расм. n нинг (ГДТМАБ) тўйинганлик даражасига кўра эритмадаги МК концентрациясини камайиш кинетикаси.

9-расмдан кўриниб турибдики, $n=0,25-0,5$ бўлган намуналар учун МК адсорбцияли дастлабки БКга нисбатан ортади. Бу нафақат ион алмашинуви, балки МК нинг СФМларнинг гидрофоб қисми билан қўшимча ўзаро таъсири билан ҳам боғлиқ. Бироқ, бу ўзаро таъсирлашиш эффекти кейинги намуналардаги каби аниқ ифодаланмаган.

$n=0,75 \leq 2$ оралиғида МК адсорбциясида кескин ўсиш кузатилади, айниқса $n=2$ да бу сезиларлидир. Бу адсорбция механизмининг СФМларнинг гидрофоб қисми билан ўзаро таъсири туфайли устунлигини кўрсатади. Адсорбциянинг бундай ўсишига МК адсорбцияси учун қўшимча жойларни таъминлайдиган БК қатламлараро майдонида мицелляр тузилмалар ёки СФМларнинг агрегатлари шаклланиши сабаб бўлади. Бироқ, тўйинганлик даражасининг янада ошишига қарамай, МК адсорбциясининг самарадорлиги $n=2$ га нисбатан камаяди. Бу БК нинг қатламлараро фазосида СФМ молекулаларининг зичроқ қадоқланиши билан боғлиқ, бу еса катта МК молекулаларининг адсорбция жойларига киришини қийинлаштиради. Бундан ташқари, ортикча тўйинганлик микромицеллалар ёки қатламлараро бўшлиқларга киришни жисмонан тўсиб қўядиган СФМ агрегатларининг шаклланишига олиб келади.

Шунингдек, БК ни ГДТМАБ билан $n=0,25$ миқдорда модификацияланганда эритмада МК концентрациясининг 120 кун давомида бироз пасайиши кузатилади. Бу МК нинг ўртамиёна адсорбциясини кўрсатади. Бундан ташқари, юқоридаги ҳолатда кузатилгани каби, МК нинг энг юқори адсорбцион самарадорлиги $n \geq 1$ да кузатилади. Бу қатламлараро фазода СФМ молекулаларининг қадоқлаш зичлигининг ортиши, метилен кўки катионининг адсорбцияси учун мақбул шароитларни яратилиши билан боғлиқ. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, тўйиниш даражаси 2 дан 3,26 гача кўтарилишига қарамай, адсорбциядаги фарқ унчалик сезиларли эмас, бу адсорбция марказларининг тўйинганлигини ёки СФМ молекулаларининг зичроқ қадоқланиши туфайли эришиладиган адсорбция жойлари камайганини кўрсатади.

БК86 ва БК70 намуналари бўйича тадқиқот натижалари БК га ўхшаш натижаларни кўрсатди. Бироқ, МК ни тозалаш даражасини БК учун тегишли

туйиниш даражалари n га нисбатан пастлиги диққатга сазовордир. Яъни, БК учун ДГДМАБ нинг максимал тўйинганлик даражасида МК концентрациясининг 18,24% гача камайиши кузатилади, бу ҳол $n=2$ ҳолатида 11,12 % ни ташкил этган. КАС қиймати кичик бўлган намуналар учун МКни тозалаш даражаси тўйиниш даражаси n нинг ортиши билан ортади. Шундай қилиб, МК концентрацияси БК86 намунаси учун n 2 дан 3,44 гача 21,2% дан 14,5% гача, БК70 намунаси учун эса n 2 дан 3,21 гача 28,6% дан 21,8% гача ўзгаради. ГДТМАБ билан модификациялаш ва ушбу намуналарнинг тўйиниш ҳолида МК ни тозалаш даражаси БК86 ва БК70 учун мос равишда 82,1% ва 79,9% га етади. Таъкидлаш жоизки, ушбу натижаларга бўёқ билан 120 дақиқа давомида ўзаро таъсирлашувдан кейин эришилган. Адсорбция вақтини 5-7 соатгача ошириш эритмадан бўёқни 99% гача тозалаш имконини беради.

МК нинг максимал адсорбцияси 50 мг/л қолдиқ концентрацияда 16,5 мг/л ни ташкил қилади. Адсорбция самарадорлиги МК нинг бошланғич концентрацияси ортиши билан ортади. Гилнинг КАС қиймати кичрайиши билан, яъни БК > БК86 > БК70 қаторида камаяди. БК86 намунаси $C_1=40-42$ мг/л мувозанат концентрациясида максимал 14,5 мг/л га етади. Мувозанат концентрациясининг бундай қийматларида БК70 учун адсорбция миқдори 13,2 мг/л ни ташкил этади. Уларнинг $n=1$ миқдорда модификацияланган шакллари учун адсорбция миқдори мос равишда 56,5; 50,2 ва 47,0 мг/л га етади. Дастлабки монтмориллонитларнинг n нинг 1 дан то тўйинишгача ортиши изотерма шаклини ўзгартирмайди, фақат адсорбция миқдори қийматларининг ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолда, олинган маълумотлар МК концентрациясининг ўзгариш кинетикасини ўрганишда аввал олинган натижаларни такрорлайди.

Ушбу маълумотларга асосланиб, монтмориллонит юзасида ДГДМАБнинг мавжудлиги ММ ва МК молекулалари орасидаги ўзаро таъсирни яхшилайти, бу эса адсорбция самарадорлигининг ортишига олиб келади. Бу монтмориллонит модификациясидан кейин унинг сирт хусусиятини ўзгариши билан боғлиқ. ГДТМАБ қўлланилган ҳолатда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан МК адсорбцияси миқдорининг ортиши ҳам кузатилади, бу айниқса кичик мувозанат концентрацияларида сезиларлидир.

Изотермлар Langmuir ва БЕТ тенгламалари ёрдамида тавсифланиб, олинган натижалар қуйида келтирилган (3-жадвал).

